

**Ўзбекистон Давлат консерваторияси  
“Шарқ мусиқаси” факультети**

**“Анъанавий чолғу ижрочилиги” таълим йўналиши**

# **РЕФЕРАТ**

**Мавзу: Миллий чолғуларимизнинг тарихи ва бугунги  
кундаги аҳамияти, дойра мисолида.**

Бажарди: Алимахсумов Ш  
Текширди: Матёкубов Ш

**Тошкент 2016**

## **Миллий чолғуларимизнинг тарихи ва бугунги кундаги аҳамияти, дойра мисолида.**

Ўзбек халқ чолғулари орасида дойра қадим даврлардан халқимиз орасида кенг оммалашиб келган миллий чолғуларидан бири ҳисобланади. Республикаимизнинг турли воҳаларидаги археологик қазилмалардан топилган тарихий обидалардаги дойра ва дойрасимон чолғуларда ижро этаётган тасвирлар унинг қадим замонлардан амалиётда кенг қўлланилганлигидан гувоҳлик беради. Қадимий тасвирларда келтирилган дойрасимон чолғуларнинг ҳозирги дойрадан фарқи кам. Уларнинг фарқини асосан, гардиш атрофидаги тешикчалар ва уларга қадалган ҳалқачаларда кўриш мумкин. Шу билан бирга албатта, чолғуларнинг тайёрлайдиган ашёсида ҳам бўлиши эҳтимолдан холи эмас.


Қайд этиш жоизки, олдинлари дойранинг гардишига тешикчалар ўйилган намуналари, XV-XVI асрларга мансуб китобларга ишланган миниатюраларда акс эттирилган. Ҳозирда уларнинг ўрнини гардишнинг ички томонидан осиладиган ҳалқачалар эгаллаган. Ҳалқачалар одатда турли ашёлардан тайёрланган. Жумладан, мис, кумуш, пўлат ва ҳ.к.

Расмлар тасвирларида дойранинг якка ҳолда учраши билан бирга турли чолғучилар ансамбли таркибида қўлланилганлигини ҳам кўриш мумкин. Шунингдек, урма зарбли чолғу, яъни дойрасимон чолғулар дунёнинг жуда кўп халқларининг миллий маросимлари, кундалик эҳтиёжлари билан, қадриятлари билан қоришиб кетган. Ижтимоий ҳаётнинг турли маросимлари, вазиятларида кенг қўлланилиши одат тусига кирган. Масалан, жарчи (хабар берувчи) чолғулар, даволашда қўлланиладиган чолғу сифатида ва оммавий халқ шодиёналарида кенг қўлланилиб келинган.

Дойра дунёнинг барча халқларида бор ва шаклан ҳамда ижровий жиҳатлама ўзига хос. Дойрасимон чолғулар, турли халқларда ўз миллий анъанасидан келиб чиқиб номланиб келинган. Ўзбек ва тожиклар дойра, чирманда, чилдирма деб атаб келган бўлсалар, афғонлар дапп, араблар дуф, эронликлар дафф, озарбайжонликлар деф деб номлаб келганлар. Энг муҳими чолғунинг барча халқлардаги вазифаси бир хилдир, яъни жўр бўливи урма чолғудир.

Дойра ва унда ижро этиладиган усуллар ҳақида маълумотлар ўтмишда яшаган бир қатор мусиқашунос олимларнинг рисолаларида келтирилиб ўтилган. Ал Фаробийнинг «Катта мусиқа китоби» (IX аср), Ибн Синонинг «Ийқо» илмига бағишланган рисоласи (IX-X аср), Абдурахмон Жомийнинг «Муסיкий рисоласи» (XV аср), Нажмиддин Кавкабийнинг «Рисола дар баёни дувоздах мақом» (XVI), Дарвиш Али Чангийнинг «Муסיкий рисола»ларида (XVIII аср) алоҳида таъриф ва намуналар келтирилган. XX асрга келиб бу анъанани А.Фитрат давом эттириб ўзининг «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи» номли рисоласини ёзади. Унда муסיкий чолғулар билан бирга ўзбек мусиқасидаги энг кўзга кўринга 18 та усул ва уларнинг номларини келтириб ўтади.

XX аср дойра чолғуси ўзига ҳам, амалиётига ҳам ва ижодиёти учун ҳам ривожланиш даври бўлди дейишимиз мумкин. Дарҳақиқат, дойра ижрочилигининг кескин ривожланиши нафақат ижрочилар, балки муסיқашунос олимларнинг ҳам назаридан четда қолгани ёъқ. Дойра ва дойра ижрочилилари ўтмиш ёзмалари, китобларда ҳам таърифланди. XX асрнинг 20-йилларидан сўнг бир қатор муסיқашунос олимлар, дойра учун яратилган термаларни, асарларни ва туркумларни нота намунасини китоб қилиб нашр этишга муваффақ бўлдилар. Ёнг аввало бу амални рус муסיқашунос олимлари В.Успенский, Н.Миронов ва В.Беляевлар бошлаб бердилар. Шундан сўнг атоқли ўзбек муסיқашуноси Илёс Акбаровнинг «Дойра усуллари» китоби нашр юзини кўрди.



Юқорида зикр этилган намояндалар дойра нота ёзувини анъанавий бир чизик ёрдамида акс эттирадилар. 1940 йилнинг ўрталарига келиб А.Петросянс ўзбек халқ чолғуларини оркестр ижросига мослаштириш жараёнида дойранинг ҳам мукаммал нота ёзувини тавсия этади. Унга кўра дойрачининг дойра чалаётган пайтидаги қўллар ва бармоқлар ҳаракатини алоҳида-алоҳида кўрсатиб беради. Яни, ҳар икки қўлларда чаладиган зарбларни алоҳида-алоҳида чизикларда акс эттириб беради. Оқибатда ўнг қўлга алоҳида ва чап қўлга алоҳида нота чизиклари тўғри келади. Оддий нота чизигини асос қилиб олоб, ўртадаги чизикни олиб ташлайди. Натижада, 4 (тўрт) чизикли нота ёълига эга бўлинади. Дойра учун яратиладиган профессионал усуллар ҳам оркестр партитуталарида ўз ифодасини топадиган бўлди.



Анъанавий дойра ижрочилиги бўйича мутахассислар, яъни дойрачи устозлар томонидан мусиқа меросимизда мавжуд бўлган бир қатор асарлар нотага олиниб нашр этилди. Улар орасида А.Ашрафхўжаевнинг «Дойра дарслиги», И.Икромовнинг «Дойра дарслиги» каби китобларда, ҳар томонлама профессионал ижрога мўлжалланган асарлар туркумини ҳавола этди. Одил Камолхўжаев «Дойра усуллари» номида якка дойра ижрочилигида рақсга, дойра-рақс усулига мўлжалланган асарлар туркумини ёзади. 2004 йилда эса Р.Самадовнинг «Анъанавий дойра ижрочилиги» ўқув қўлланмаси нашр этилади.

Дойра ижрочилигининг кескин ривожига сабаб бўлган амаллардан бири 1947 йили Тошкентдаги собиқ Пионерлар саройида иш фаолиятини бошлаган дойрачилар тўғараги десак, муболаға бўлмас. Тўғаракка таниқли дойрачи, Уста Олим Комиловнинг шогирди, устоз созанда Тўйчи Иноғомов раҳбарлик қилади.



*Тўйчи Иноғомовнинг тўғараги*

Тўғарак фаолиятининг мусиқа ривождаги ўрни бекиёсдир. Авваламбор дойрачиларнинг янги авлоди замон талабига мос келтирган ҳолда тарбияландилар. Иккинчидан, дойра ижрочилиги катта сахнага якканавоз чолғу сифатида олиб чиқилди. Якканавозлик дойрачиларимизга шундай куч бердики, улар жуда катта иштиёқ билан дойранинг бор имкониятларини кўрсатишга муяссар бўлдилар.

Бу даврда келиб, Тўйчи Иноғомов билан биргаликда Ғофир Азимов, Ғофир Иноғомов, Ғофир Солиҳов, Раҳим Исахўжаев каби етук созандалар дойра ижрочилиги санъатида моҳир эдилар. Уларнинг ижоди илгариги дойра ижрочилик услуги билан янги дав ижроси учун кўприк вазифасини ўтади. Улар тарбиялаган шогирдлар дойра ижрочилигида янги замонавий ёъналишдан боришга аҳд қилдилар. Бу дойра чолғусининг турли ўлчамларига таъсир этди, ижродаги услубга ва бевосита талқинда намоён бўлди.



Мақом дойра ижрочилигида эса Абдураҳмон Отабоев, Дадахўжа Соттихўжаев каби устоз созандалар элга танилдилар.

Чандан ўнгга биринчи қаторда: Ўзбекистон халқ артистлари: Исохор Оқилов, Мукаррама Турғунбоева. Иккинчи қаторда: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Анвар Бараев; Ўзбекистон халқ артисти Раҳим Исахўжаев; Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ғофир Азимов; Ўзбекистон халқ артисти Қаҳрамон Дадаев; Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар: Тўйчи Иноғомов, Носир Қосимов, Ғофир Иноғомов, Баҳодир. Учинчи қаторда: Саидикром Камолов, Рўстам Ибрагимов, Убайдулло Ходжаев, Одил Камолхўжаев (профессор).

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб, созандаларнинг янги услуб вакиллари дойра ижрочилигида катта муваффақиятларга эришдилар. Одил Камолхўжаев, Қаҳрамон Дадаев, Тожиали Олимов, Равшан Акбарбеков бошлаб берган мактабни Талъат Сайфуддинов, Раҳматилла Самадов, Дилмурод, Холмурод ва Элмурод Исломовлар, Хусан Носиров, Ҳасан Азимов, Санатилла Азимов, РУстам Убайдуллаевлар муносиб давом эттириб келмоқдалар. Зеро, ҳозирги даврга келиб уларнинг беҳисоб шогирдлари ўзбек мусиқаси ривожига дойра ижрочилик анъанасини замонага мос ҳолда давом эттириб келмоқдалар. Амалиётда эса, дойра ижрочилиги билан доврқ қозонган Қаҳрамон Дадаев, Талъат Сайфуддинов, Дилмурод Исломов каби бир қатор моҳир дойрачилар ҳақида рисолалар нашр этилди.



*Раҳматилла Самадов устози Дадахўжа Соттихўжаев билан*

Ҳозирги пайтга қадар дойра ижрочилик мактаби бир қатор шахсий услублар билан бойиди. Ижрочилик амалиётида бу услубларни яратган устоз созандалар элга танилдилар. Айтиш керакки, алоҳида ижрочилик услубларининг янгидан-янги кўринишлари юзага келишида мумтоз усуллар, мақом усуллари асос сифатида хизмат қилди. Ҳар қандай дойрачи аввало мутахассис бўламан деса, албатта, мумтоз усулларни яхшилаб ўзлаштириши лозим. Усулларни ўзлаштириш билан бирга замонамизга мос ҳолда ўрганиш, ўзининг бор кучини сарф қилиб ривожлантириши лозим. Ўтган даврда яшаб ижод этган санъаткорлар ўзларидан олдинги санъаткорлар амалини пухта ўрганишга катта аҳамият берганлар. Ўрганганларини эса, кейинги авлод

шогирдларига ўтказганлар. Бу дойрачиларни эмас, барча санъаткорларнинг анъанасидир.

Шу нуқтаи назардан келажак авлодни ўтмишга хос тарзда камол топиши – бу баркамол авлод тарбиясидаги асосий вазифалардан десак, муболаға бўлмас. Айниқса, узок ўтмишдан халқимиз маънавий қадрияти бўлиб келган ва маънавий меросга айланган устоз санъаткорларнинг анъанасини ўзлаштириш, бу янгича фикрлашнинг анъана билан асослаш демакдир. Ҳозирги давр тараққиёти, ахборот технологияларининг янгидан-янги намуналари жорий этилаётган бир пайтда ўзбек миллий зарбларини турли чолғулар, электрон воситалар ва мавжуд чолғу созларда тараннум этиш имкониятлари очилмоқда. Ўзбек усулларини замонавий техникани қўллаб, дойранинг жонли садосини тараннум этиш бизнинг ёшларимизни ижодий муносабати билан боғлиқ. Чунки, ҳар бир зарб, усул ўзининг сеҳри каби меҳрига ҳам эгадир. Созанда қалбидаги меҳрни, сирли ҳолда бармоқлари орқали садолантириши лозим бўлади.